

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ТАЪСИРИ: КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАР

**А.Юлдашев**

*Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)*

*Котибияти бўлими бошлиғи*

Бугунги кунда сунъий интеллект жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида қўлланилмоқда. Сунъий интеллект яратиши мумкин бўлган кенг ижтимоий-иқтисодий истиқболларга қарамай, уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига салбий таъсири жамият асосий ҳавотирларидан бири сифатида қаралиши лозим ҳисобланади.

Энг жиддий хавфлардан бири сифатида сунъий интеллектнинг **шахсий ҳаёт дахлсизлиги** ҳуқуқига таъсирини келтириш мумкин. Сунъий интеллект тизимларида шахс ҳақидаги махфий маълумотлардан нотўғри фойдаланиш орқали салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Айниқса, ушбу маълумотлар шахснинг соғлиғи, жинси, миллати, биометрик маълумотлари ва бошқалар каби маълумотларга тааллуқли бўлса, муаммо янада жиддийлашади.

Масалан, Amazon сунъий интеллектдан бўш иш ўринлари учун резюмеларни кўриб чиқиш учун фойдаланган, бироқ кейинчалик дастур жинсга боғлиқ белгиларга кўра резюмеларини рад қилаётганлиги аниқланганлиги сабабли, ушбу дастур хизматларидан воз кечган<sup>6</sup>.

Сунъий интеллект алгоритмларида **шаффофлик** (transparency) етарли эмаслиги сабабли тизимнинг ҳаракатлари ёки қарорлари ҳуқуқларига таъсир кўрсатган шахслар, ушбу ҳодисаларнинг сабабларини билмаган ҳолатлар пайдо бўлиши мумкин. Бунга жисмоний шахслар маълум хизматлардан воз кечган ёки сабабини тушунтирилмасдан қабул қилинган қарорлар кирази.

Мисол учун, Буюк Британияда 2000 2014 йиллар давомида 700 нафар почта хизмати ходимлари жазоланган, айримларининг ҳатто улар қилмаган ҳуқуқбузарликлари учун қамоққа олинган.<sup>7</sup> Адвокатлар томонидан эса тизим

<sup>6</sup> Amazon scraps secret AI recruiting tool that showed bias against women  
<https://www.reuters.com/article/world/insight-amazon-scraps-secret-ai-recruiting-tool-that-showed-bias-against-women-idUSKCN1MK0AG/>

<sup>7</sup> Компаниянинг компьютер дастури молиявий номутаносибликларнинг аниқлаб, кўплаб ходимларнинг жавобгарлигига олиб келди. Буларнинг барчаси Қироллик почтасининг илтимосига биноан компьютерларга ўрнатилган Horizon бухгалтерия дастурининг айби эди. Дастур кодидаги хато туфайли у нотўғри маълумотларни бериб бориши ва доимий равишда нақд пул етишмаслигини кўрсатар эди.



томонидан хатога йўл қўйганлигини исботлашлари учун йиллар керак бўлди. Ушбу иш ҳозирги кунга қадар давом этиб келмоқда.<sup>89</sup>

Сунъий интеллект тизимлари яратувчиларининг **масъулият ва жавобгарлик** масаласи муҳим аҳамият касб этади. Сунъий интеллект тизимларини яратувчи ёки қўлловчи субъектлар ўз ҳаракатлари ва вужудга келиши мумкин бўлган салбий оқибатлари учун жавобгар бўлиши керак. Шу билан бирга, ушбу технологияларни доимий назорат остида ҳамда мавжуд хавфларни самарали баҳолаш ва одоб-ахлоқ қоидаларига мос равишда ривожлантириш лозим. Ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш мумкин бўлган автоматлаштирилган қарорлар қабул қилишдан ҳимояланган бўлиши керак.

Мисол учун, ҳозирги вақтда йўлларимизда кўплаб замонавий рақамли технология ютуқлари асосида қурилган автомобиллар кўпайиб бормоқда. Ушбу автомобилларнинг айримларида автоматлаштирилган тизимлар мавжуд бўлиб, улар йўлда ҳаракатланиш вақти, автомобилни бир жойга жойлаштиришда (паркинг) йўл ҳаракати ҳодисаси содир қилса, ким жавобгар бўлиши керак? Автомобиль ишлаб чиқарувчисими, ёки автомобиль учун дастурий таъминот яратиб берган ташкилотми ёки ушбу автомобиллар ҳаракатланишига рухсат берган давлат органларими?

Бу ерда йўналиш бўйича аниқланиши лозим бўлган шу каби саволлар мавжуд. Лекин, таъкидланиши лозимки, ҳар бир шахс **автоматлаштирилган тизимлар қарорларидан ҳимояланиш ҳуқуқи**га эга бўлиши лозим.

Агар сунъий интеллект тизимлари томонидан қабул қилинган қарорлар туфайли инсон салбий оқибатларга дуч келса, ҳар бир шахс шикоят қилиш ва йўл қўйилган хатоликни бартараф эттириш ҳуқуқига эга бўлиши лозим. Агар тизим инсонга таъсир қиладиган қарор қабул қилса, бу натижани кўриб чиқиш (мониторинг) ва назорат қилиш механизми жорий этилиши лозим.

Мисол учун Эссекс университети ўз тадқиқотида Британия полициясининг видеокузатув тизими ва юзни таниб олишдаги хато даражаси 81% деган хулосага келган.<sup>10</sup>

<sup>8</sup> Post Office Horizon scandal: Two more sub-postmasters' convictions quashed <https://www.bbc.com/news/articles/cp0eqq3vvz0o>

<sup>9</sup> Post Office Horizon scandal: Why hundreds were wrongly prosecuted <https://www.bbc.com/news/business-56718036>

<sup>10</sup> Дастур бегуноҳ бешта шахсдан тўрттасини гумондор сифатида аниқлаши мумкинлиги таъкидланган. Шунга ўхшаш изланишлар Жоржтауннинг махфийлик ва технологиялар юридик маркази томонидан чоп этилган. 81% of 'suspects' flagged by Met's police facial recognition technology innocent, independent report says <https://news.sky.com/story/met-polices-facial-recognition-tech-has-81-error-rate-independent-report-says-11755941>



### **Сунъий интеллект фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш**

Сунъий интеллект билан боғлиқ фаолият айрим давлатларда қонуний тартибга солиниши бўйича эътибор қаратилса, баъзи давлатларда ушбу масалаларга энди эътибор берилаётганлигига, айрим давлатларда эса соҳа маълум бир даражада ҳуқуқий тартибга солинганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Мисол учун, Хитойда 2023 йил августидан бошлаб сунъий интеллект хизматларини ишлаб чиқаришни тартибга солувчи вақтинчалик чоратadbирлари ишлаб чиқилган.<sup>11</sup> Ушбу ҳужжат сунъий интеллект билан боғлиқ хизматларни ишлаб чиқарилиши “ижтимоий тартиб ва ахлоқ”қа мос келишини, аниқ бўлишини, бирон-бир камситиш белгиларидан ҳоли бўлиши ҳамда интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминланишига қаратилган.

Сингапурнинг сунъий интеллект бўйича миллий стратегияси ўз ичига сунъий интеллект бошқарувининг ташкилий даражадаги амалий жиҳатларини белгилайди.<sup>12</sup> Мисол учун, NAIS 2.0<sup>13</sup> Стратегиянинг мақсад ва вазифаларига эришиш учун 3 тизим (ҳаракат, инсон ва жамият ҳамда инфратузилма ва атроф-муҳит) яратилиши кўзда тутилган.

Канаданинг сунъий интеллект ва маълумотлар қонунчилиги, “С-27 Билл”ининг таркибий қисми сифатида ҳозирги пайт такомиллаштирилиши мақсадида қайта кўриб чиқилмоқда.<sup>14</sup>

### **Европа Кенгашининг Сунъий интеллект тўғрисидаги қонуни**

Жорий йилнинг 1 августидан Европа Кенгашига аъзо давлатларида ижроси мажбурий ҳисобланган сунъий интеллектга асосланган тизимлардан фойдаланиш қоидаларини белгилайдиган дунёдаги биринчи қонун – **Европа Кенгашининг Сунъий интеллект тўғрисидаги қонуни** (Қонун) кучга кирди. Умумий тартибда ушбу Қонун 2026 йил 2 августдан бошлаб қўлланила бошлайди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат сунъий интеллектга асосланган барча тизимларни хавф даражасига кўра таснифлайди — юқори бўлмаган даражадан таъқиқланган даражагача.

<sup>11</sup> China’s AI Regulations and How They Get Made <https://carnegieendowment.org/research/2023/07/chinas-ai-regulations-and-how-they-get-made?lang=en>

<sup>12</sup> AI for the Public Good, for Singapore and the World <https://www.smartnation.gov.sg/nais/>

<sup>13</sup> National AI Strategy 2.0

<sup>14</sup> The Artificial Intelligence and Data Act (AIDA) – Companion document <https://ised-isde.canada.ca/site/innovation-better-canada/en/artificial-intelligence-and-data-act-aida-companion-document>



Қонунга кўра, хавф даражасига қараб, сунъий интеллект тизимлари 3 хил тоифага бўлинмоқда: тақиқланган, юқори хавфли ва ўртача хавфли (ёки хавфсиз) сунъий интеллект тизимлари:

#### Тақиқланган сунъий интеллект тизимлари

Баъзи сунъий интеллект тизимлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари учун хавф даражаси жуда таъсирчан ёки сезгир бўлганлиги сабабли, қонун ижодкорлари бундай тизимларни савдо бозорига чиқаришни тақиқлашга қарор қилишди. Буларга қуйидагилар киради:<sup>15</sup>

1. Шахснинг хатти-ҳаракатларига таъсир қилиш ва унга зарар етказиши мумкин бўлган қарор қабул қилишга ишонтириш учун онгсиз (интуитив) ёки манипулятив усуллардан, шунингдек, шахс ҳолатининг хусусиятларидан (ёши, соғлиғи, ижтимоий ҳолати) фойдаланадиган сунъий интеллект тизимлари.

Бу ерда шуни тахмин қилиш мумкинки, бу сунъий интеллект тизимларига турли хил “чат”ларни тушуниш мумкин. Мисол учун, ушбу тизимлар шахснинг ожиз ёки заиф томонларидан фойдаланиб, улар уни ноқонуний хатти-ҳаракатларга ишонтиришга қодирдир.

2. Шахсларни таснифлайдиган тизимлар (агар бундай тасниф фақат шахснинг биометрик ёки сезгир маълумотлари асосида амалга оширилса).

3. Ижтимоий рейтинг яратиш учун шахсларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қиладиган тизимлар.

4. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида шахс юзини “онлайн” режимда аниқлаш тизимлари (бу ерда умумий тақиқдан истиснолар бўлади, аммо бундай тизимлардан фойдаланиш аниқ мақсадлар ва юқори даражадаги жавобгарлик ва улар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиниши шартлари билан йўл қўйилади).

5. Маълум бир мақсад билан чекланмаган Интернетда ёки кузатув камераларида фотосуратлар ва видеоларни тўплайдиган ва танийдиган сунъий интеллект тизимлари.

#### Юқори хавфга эга сунъий интеллект тизимлари

Тизимни ушбу тоифага таснифлашнинг аниқ мезонлари ҳали ҳам номаълум (аммо тиббий мақсадларда ёки кадрлар тизимида (HR) ишлатиладиган хизматлар автоматик равишда бу ерда рўйхатга олинади). Бундай тизимлар бозорга чиқарилишида рухсат берилади, аммо уларни фаолияти қатъий тартибга солинади, умумий кириш ҳуқуқига эга бўлган махсус реестрда мажбурий рўйхатдан ўтиш, инсон ҳуқуқларига таъсирини

<sup>15</sup> Европа Кенгашининг Сунъий интеллект тўғрисидаги қонунининг 2 бўлими 5 моддаси <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj>





мажбурий баҳолаш, сунъий интеллект устидан махсус бошқарув ва назорат тизимларини яратиш, шунингдек, сунъий интеллектнинг ишончилигини ва киберхавфсизлик таъминланишига қаратилган бир қатор техник талаблар.

Ўртача даражадаги хавф ёки хавф-хатарсиз сунъий интеллект тизимлари

Бундай сунъий интеллект тизимлари учун махсус қоидалар мавжуд эмас. Улар шаффофлик (transparency) ва фойдаланувчиларни хабардор қилиш (notifying) каби асосий талабларга жавоб бериши керак (*яъни фойдаланувчини сунъий интеллект тизим билан ўзаро муносабатга киришиса, ушбу алоқа ҳақида хабардор қилиш муҳим ҳисобланади*).

Шу билан бирга, барча аъзо давлатларда Қонуннинг ягона қўлланилишини назорат қилувчи асосий назорат органи - Европа сунъий интеллект идораси (European AI Office) ташкил этилмоқда. Ушбу назорат органи:

Қонун билан белгиланган қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш, Қонунга мувофиқ тавсиялар ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, ҳуқуқий нормалар бузилган тақдирда ўрганиш ўтказиш, Қонун бузганлик учун санкцияларни қўллаш, Сунъий интеллект соҳасидаги глобал саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Қонунни қўллаш ва талқин қилиш билан боғлиқ тушунтириш ва маслаҳатларини бериш.

Бундан ташқари, Қонун билан, назорат органига кўмак берувчи ҳар бир Европа кенгаши аъзо давлатларида миллий назорат органлари яратишни назарда тутмоқда, ушбу миллий назорат органлари Европа кенгаши назорат органига ўхшаш имкониятларга эга бўлади.

Қўшимча равишда, Сунъий интеллект бўйича Кенгаш ташкил этилмоқда, бу асосан сунъий интеллект соҳасидаги мутахассислардан иборат бўлган ва Европа комиссиясига сунъий интеллект соҳасидаги технологияларни тартибга солиш ва ривожлантиришга янги ёндашувларни ишлаб чиқишда ёрдам берадиган консультатив органидир.

Жавобгарлик

Қонун билан белгиланган қоидалар бузилганлик ҳолатлари бўйича маъмурий жарималарнинг уч тури белгиланмоқда:<sup>16</sup>

1. Тақиқланган сунъий интеллект тизимини ишга тушириш ёки бозорга чиқариш 35 млн еврогача ёки компаниянинг жаҳондаги йиллик айланма

<sup>16</sup> Европа Кенгашининг Сунъий интеллект тўғрисидаги қонунининг 12 бўлими 99 моддаси <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj>



даромадининг 7 фоизигача маъмурий жарима билан жазоланади. Бунда қайси жарима юқори бўлса ўша қўлланилади.

2. Қонунда назарда тутилган тақиқланган сунъий интеллект тизимлари билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар қандай мажбуриятни бузиш 15 млн еврогача ёки компаниянинг жаҳондаги йиллик айланма даромадининг 3 фоизигача маъмурий жарима билан жазоланади. Бунда қайси жарима юқори бўлса ўша қўлланилади.

3. Сунъий интеллект тизими билан боғлиқ назорат органига нотўғри, тўлиқ бўлмаган ёки чалғитувчи маълумотларни тақдим етиш 7,5 млн еврогача ёки компаниянинг жаҳондаги йиллик айланма даромадининг 1 фоизигача маъмурий жарима билан жазоланади. Бунда қайси жарима юқори бўлса ўша қўлланилади.

Хулоса ўрнида билдириш лозимки, ҳозирги вақтда сунъий интеллект тизимларининг аста-секин жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориши бир томондан жамиятни ривожланишига сезиларли туртки берса, иккинчи томондан сунъий интеллект тизимлари инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига салбий таъсир ўтказиши мумкин, айниқса ушбу тизимлардан ғаразли мақсадларда фойдаланилса ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниб, жавобгарлик масаласи киритилмай қўлланиладиган бўлса муаммо янада жиддий тус олади.

Шу ўринда, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар сунъий интеллект тизимларини фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиши ёки такомиллаштириши долзарб аҳамият касб этади, чунки рақамли ва сунъий интеллект технологияларининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсирининг олдини олишга хизмат қилади.

Қолаверса, Европа Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Сунъий интеллект тўғрисидаги қонуни сунъий интеллект тизимларини қўллашга бўлган ишончни мустаҳкамлаши ҳамда бу орқали жамият аъзоларига кенг имкониятлар яратиши, Европа аҳолисида яхши меҳнат шароитлари эга бўлиши, таълим соҳасида кенг имкониятлар яратилиши, умуман ушбу тизимлардан фойдаланиш орқали одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланиши мумкин. Албатта, ушбу Европа тажрибаси пухта ўрганилиши мамлакатимизда сунъий интеллект тизимларини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш учун ўрганилиши истиқболли илмий вазифа ҳисобланади.

